ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ № 148 (10.453) 2005 ЙИЛ 1 АВГУСТ

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

• **ТОШКЕНТ** шаҳар Тадбиркор аёллар уюшмасида ишбилармон аёллар иштирокида тадбиркорлик фаолиятини янада жонлантиришда аёллар фаоллигини ошириш масаласига бағишлаб уюштирилган семинарда уюшма қошида кредит бўлими ташкил этилганлиги маълум қилинди.

• **ЎТГАН** куни «Хуршида бону» хусусий фирмасида «Маънавият ва маърифат» маркази Сергели туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилган вазифалар муҳокамасига бағишланди.

• **«СУВЖИҲОЗГАЗ»** Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида жорий йилнинг олти ойи мобайнида 540 минг дона газ ўлчагичлар тайёрланганди.

• **ТОШКЕНТ** қурилиш касб-ҳунар коллежида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш чораларига бағишлаб ўтказилган семинарда Тошкент шаҳри ҳамда Сирдарё вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарлари иштирок этишди.

• **ХАЛҚ** таълими вазирлиги ҳамда Осиё тараққиёт банки ҳамкорликларида мактаб ўқувчиларига ўқув дарсликларини ижара тизими усулида етказиб бериш янада такомиллашди. Авваллари ижара усулидан фақатгина 1-синф ўқувчилари фойдаланган бўлишса, эндиликда 2, 3, 4-синф ўқувчиларига ҳам бу усул татбиқ этилади.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясида Халқаро космик мактаби навбатдаги мавсумининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбир арафасида Замонавий санъат марказида «Ер ва орбита» деб номланган кўргазма ташкил этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

# ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 19 июлдаги ПФ- 3629-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тошкент тиббиёт академиясининг бошқарув ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг чекланган сони 1006 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 103 нафар бўлган ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

Тошкент тиббиёт академияси ректорига, зарурат бўлганда, Академия тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Қуйидагилар Академиянинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни сифат жиҳатидан яхшилаш мақсадида юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлашни таъминлаш ва соғлиқни сақлаш тизими тузилмасини такомиллаштиришда қатнашиш;

илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида ўқув жараёнини ташкил этишни янги мазмун билан тўлдириш;

бўлажак тиббиёт мутахассисларини ўқитишни улар даволаш амалиётининг аниқ кўникмаларини эгаллаб олиши билан биргаликда таъминлаш;

тиббиёт кадрлари тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, атроф муҳитдаги экологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда врачлар фаолиятида профилактика йўналишини шакллантириш;

тиббиёт кадрлари тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича республикадаги етакчи таълим муассасаси сифатида, шунингдек тиббиёт, соғлиқни сақлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш бўйича мамлакатнинг тиббиёт олий ўқув юртлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга методик раҳбарлик қилиш;

тиббиёт педагогика кадрларида ватанпарвар фуқаро туйғуларини, юксак профессионализм ва маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантирган ҳолда уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

тиббиёт кадрлари тайёрлаш бўйича Ватанимиздаги ва хориждаги илғор тажрибани ҳисобга олиш ва тизимлаштириш ҳамда уни республиканинг олий тиббиёт таълими тизимига жорий этиш.

3. Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг Урганч филиали ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг Фарғона филиали Тошкент тиббиёт академиясининг тегишли филиалларига қайта номлансин.

4. Белгилансинки, Тошкент тиббиёт академияси ҳамда тегишли равишда унинг Урганч ва Фарғона филиаллари:

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти, Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти, Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти Фарғона филиалининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва тузилган шартномаларининг;

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти, Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти, Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти Фарғона филиалининг балансида бўлган мол-мулкнинг ҳуқуқий ворислари ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент тиббиёт академияси ректори бир ҳафта муддатда Академиянинг асосий вазифаларидан ва фаолияти йўналишларидан келиб чиқиб Илмий кенгашни шакллантирсин. Илмий кенгаш мамлакатда тиббиёт соҳасида тайёрланадиган мутахассислар ва олимларнинг даражаси ва сифатини ошириш ишида етакчи тузилма сифатида Академияни ташкил этиш ва шакллантириш жараёнида ректоратга муҳим таянч бўлиши керак.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Тошкент тиббиёт академияси ва унинг филиаллари фаолияти жорий йилда Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтлари ва уларнинг филиалларига ажратилган бюджет маблағлари доирасида молиялаштирилишини таъминласин;

тугатилаётган Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтлари ва уларнинг филиаллари профессор-ўқитувчилар таркибининг умумий сонини сақлаб қолсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Тошкент тиббиёт академияси раҳбарияти билан биргаликда бир ой муддатда Академия уставини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. Қуйидагилар:

даволаш факультети ҳамда Олий ҳамширалик иши факультети тугатилган Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти корпусларида;

стоматология, тиббий-профилактика ва тиббий-педагогика факультетлари собиқ Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти корпусларида жойлаштирилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А.Тўхтаев) Тошкент тиббиёт академияси ҳудудлари ўртасида автобус йўналишини ташкил этсин. Йўналиш талабалар ётоқхоналарига туташиб кетган кўчалар бўйлаб ўтишини назарда тутилсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров), Тошкент тиббиёт академияси (Ш.Каримов):

қабул комиссиялари фаолиятида бирор-бир таъмагирлик ва порахўрлик ҳолларини, абитуриентларнинг Академияга таниш-билишчилик ва бошқа субъектив сабаблар билан киришини истисно этиш учун қўшимча чора-тадбирлар кўрсинлар;

клиник базаларнинг республика ва шаҳар даволаш- профилактика ва санитария муассасаларида жойлашишини ҳисобга олган ҳолда кафедраларнинг сони, таркиби ва жойлаштирилишини бир ой муддатда мақбуллаштирсинлар, бунда уларнинг такрорланиши ва параллел мавжуд бўлиши истисно этилсин;

Тошкент тиббиёт академияси ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчилар таркибини белгиланган тартибда танлов асосида танлаб олсинлар.

10. Тошкент шаҳар, Форобий кўчаси, 2-уй Тошкент тиббиёт академиясининг юридик манзили этиб белгилансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 29 июль*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

• **Бугун мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди.**

• **Тошкент олий ўқув юртларининг уч нафар талабаси «Россияни кашф эт» интеллектуал кўрик-танловининг ғолиблари бўлишди.**

• **Сурхондарё вилоят ҳокимлигида 2005 йил биринчи ярмида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунларига бағишланган фаоллар йиғилиши ўтказилди.**

• **Тошкентда темир моддаси билан тўйинтирилган ун ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ғалла Алтег» ун комбинатининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

• **Республика «Камалак» болалар ташкилотининг навбатдаги йиғилиши Андижон шаҳрида ташкил этилди. Унда «Камалак» ташкилоти ва унинг тизимларига тўпланган ижобий тажрибани оммалаштириш, тузилма фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.**

• **Республика «Маҳалла зиёси» маркази «Маҳалла» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими билан ҳамкорликда Бўка, Оққўрғон ва Ўрта Чирчиқ туманларида диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар малакасини ошириш қўшма курсларини ташкил этди.**

• **Наманган вилоятида Швейцария ва туркиялик шериклар билан яқинда ташкил этилган «Исковоттест» қўшма корхонаси жорий йилнинг олти ойи давомида ишлаб чиқарган маҳсулотининг 90 фоизини Туркия, Россия ва Беларусга экспорт қилди.**

### Жаҳонда

• **Исломобод шаҳрида ўтказилган ёшлар конференциясида сўзга чиққан Покистон Президенти Парвез Мушарраф ёшларни экстремизмга қарши уруш очиш, тинчлик, ҳамкорлик, жамиятда якдиллик, маънавият, тараққиётни таъминлашда бирлашиб ҳаракат қилишга чақирди.**

• **Замбияда Лондонда 7 июль куни содир этилган портлашларнинг асосий ташкилотчиси деб гумон қилинаётган, келиб чиқиши покистонлик бўлган Британия фуқаро Харун Рашид Асвад қўлга олинди.**

• **Нигерияда сув ости қояси билан тўқнашиб, иккига бўлиниб кетган кема ҳалокати туфайли 200 киши ҳаётдан кўз юмди.**

• **Айрим Европа мамлакатларидаги каби ўрмон ёнғинлари Португалия иқтисодиётига ҳам катта зарар етказмоқда. Жумладан, ҳозирга қадар ёнғин 40 гектарга яқин ўрмон ва яйловларни кулга айлантирган, унга қарши курашда олти киши ҳалок бўлди, 14 киши тан жароҳатлари олди.**

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

# МАСЪУЛИЯТ – ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ

**Аввал хабар қилинганидек, пойтахтда шаҳар фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, ислоҳотларнинг бориши ҳамда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.**

Йиғилиш кун тартибига қўйилган барча масалалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда белгиланган устувор вазифалар, шунингдек иқтисодиётни янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилишга йўналтирилган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлашга қаратилган Фармон ва Қарорлар ижроси доирасида кўриб чиқилди. Бунда яна бир бор барча вазифалар, шу жумладан яқинда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг амалга татбиқ этилиши авваламбор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари масъулиятида эканлигига алоҳида урғу бериб ўтилди.

Давоми 2 - бетда.

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

# МАСЪУЛИЯТ — ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Йиғилиш давомида танқидий-таҳлилий руҳда муҳокама қилинган масалалар орасида шаҳарнинг иқтисодий кўрсаткичлари алоҳида ўрин олди. Қайд этилдики, ҳисобот даврида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича изчил ўсиш суръатларига эришилган, белгиланган истиқбол кўрсаткичлар, шу жумладан бюджет даромадлари бўйича ўрнатилган режа тўлиқ бажарилиши таъминланган.

Макроиқтисодий барқарорликнинг мустаҳкамланиши ўз навбатида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг 7,8 фоизга ортиғи билан бажарилишини таъминлади. Бу борада саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш - 11,2 фоизга, халқ истеъмоли моллари ҳажми — 3,7 фоизга, пудрат ишлари ҳажми - 1,8 фоизга, чакана савдо айланмаси — 12,2 фоизга, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми - 4,8 фоизга ошди. Капитал қуйилмаларга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 117,4 фоизни ташкил этди. Мамлакат иқтисодиётига 99 миллион АҚШ долларига тенг хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб этилди. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 41,6 фоизга кўпдир. Тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 2,8 бараварга ошгани кузатилди. Ушбу йўналишда самарали фаолият юритган корхоналар қаторига «Фарм гласс», «Уздунробита», «Тоштўқимачи»ни киритиш мумкин.

Ташқи савдо айланмаси ҳажми ҳам анча кенгайган. Бу борада товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмининг ўсиш суръати 4,5 фоизга кўп бўлди. Ўз навбатида бу кўрсаткичлар бюджетга бўлган тушумларнинг ортиғи билан таъминланишига замин яратди.

Шу билан бир қаторда йиғилишда хусусий тадбиркорлик соҳасини амалий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш зарурлиги, давлат идораларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашувини чеклаш, тадбиркорлик субъектларини назорат органлари томонидан ноқонуний текширувлардан халос этиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Бу борада давлат идоралари раҳбарлари эътибори бевосита тадбиркорлар билан иш олиб борувчи тегишли тузилмалар билан тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлида узвий ҳамкорлик қилиш лозимлигига қаратилди. Таъкидландики, қабул қилинган янги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ хўжалик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали кўрилади. Бу дегани, ўз тузилмалари вакиллари томонидан йўл қўйилган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар учун мансабдор шахслар масъул бўлиб, шу жумладан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини унутмаслик лозимдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, фаоллар йиғилишида сўзга чиққан шаҳар прокурори Баҳриддин Валиев ва Адлия бошқармаси бошлиғи Козимжон Комилов таъкидлаб ўтганларидек, нафақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орасида кенг тарғибот ишларини йўлга қўйиш даркор, балки авваламбор белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга мутасадди бўлган тегишли органлар вакиллари янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни синчковлик билан, мағзини чақиб ўрганишлари лозимдир. Бу борада айниқса солиқ ва суд соҳаларида, шунингдек адлия органларида рақам билан эмас, балки пироварди сифат кўрсаткичларига эришиш мақсадида малакали кадрларни тайёрлаш масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Йиғилишда юқоридаги масалаларга алоҳида эътибор берилганининг боиси шундаки, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 4,8 фоизга пасайгани кузатилган. Таҳлилларга қараганда, шу кунгача қайд этилган умумий 25 мингга яқин тадбиркорлик субъектларининг 24 фоизи - деярли тўртдан бир қисми - фаолият юритмайди. Бундан ташқари, январь-июнь ойларида янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг 50 фоизида нобарқарор фаолият юзага келган.

Бунга кўп нарса сабаб бўлиши мумкин. Чунончи, назорат органлари олдига қатъий, шу жумладан жавобгарлик юзасидан кескин талаблар қўйилишига қарамасдан, кейинги пайтларда солиқ, божхона ва банк тузилмалари томонидан тадбиркорларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш ҳолатлари давом этмоқда, бу эса айрим субъектларнинг хўжалик-молиявий фаолиятига ўз салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмаган, албатта. Шунингдек, тадбиркорларнинг кредит ресурслари, айниқса узоқ муддатли кредит олишларида сунъий тўсиқлар мавжудлиги сурункалигича қолмоқда. Ҳисобот даврида ажратилган қисқа муддатли кредитларга таққослаганда, узоқ муддатли кредитлар ҳажми уч бараварга кам бўлган. Қолаверса, ишлаб чиқаришга ажратилаётган кредитлар ҳам савдо йўналишидагига қараганда икки баравар камроқдир. Кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш ва хом ашё ресурсларига бўлган эҳтиёжи қондирилиши ҳам ҳануз қониқарсиз бўлиб қолаётир.

Шубҳасиз, яқинда қабул қилинган Фармон ва қарорлар тадбиркорликнинг изчил ривожланишидаги бир қатор объектив, балки субъектив масалаларни ҳам ҳал этишга замин яратади. Бу борада тадбиркорлар ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этиш, шунингдек, ички ва ташқи бозорда хусусий секторнинг имкониятларини кенгайтириш, шериклар излаш каби масалаларда Савдо-саноат палатасига катта ишонч боғлашган. Лекин йиғилишда шу нарса таъкидландики, айни пайтда Савдо-саноат палатасининг шаҳар бошқармаси асосан тадбирлар билан ўралашиб қолмоқда, бундан эса тадбиркорлар унчалик ҳам манфаатдор эмаслар. Шундай экан, палата, балки, ўз ишини сафларини кенгайтириш доирасида олиб бориши лозимдир? Бугунги кунда шаҳар палатасига атиги 1000 та субъект аъзо эканлиги кишини, албатта, ўйлантиради.

Йиғилишда объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни ҳам танқидий баҳоланди. Бу борада белгиланган вазифалар бажарилишига қарамасдан, афсуски, ҳануз самарадорликка эришилгани йўқ. Чунончи, хусусийлаштиришдан кейинги жараён натижалари шуни кўрсатмоқдаки, белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаган. Ушбу масала 2004 йил якунларида ҳам танқидий кўриб чиқилганди, лекин мутасаддилар томонидан шунга яраша етарли даражада иш олиб борилмоқда дейиш қийин. Рақамлар тили билан айтганда, ҳисобот даврида инвестицион мажбуриятлар ўрта ҳисобда 60 фоизга бажарилган. Бундан ташқари, давлат улуши тақсимланган корхоналар бўйича ҳам аҳвол мураккаблигича қолмоқда. Улар тўлиқ хусусий мулкка эгалик қилаётган бўлса-да, аммо мустақил фаолият юритишга ҳаммаси ҳам қодир эмаслиги яққол сезилмоқда. Жумладан, «Малика» ва «4-темир ҳажм блокли маҳсулотлар» акциядорлик жамиятларида ҳисобот даврида бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқарилмаган.

Йиғилишда шунингдек, шаҳар инвестицион дастурининг бажарилиши муҳокама қилинди. Жорий йилда давлат кафолати остида қиймати 14 миллион долларга тенг тўртта лойиҳанинг бажарилиши белгиланган бўлса, ҳисобот даврида ушбу маблағнинг 1,1 миллион долларини ўзлаштириш режалаштирилганди. Аслида бу кўрсаткич фақат 35 фоизга таъминланди. Январь-июнь ойи давомида Мирзо Улуғбек туманида Италия билан ҳамкорликда гранит ва мармар ишлаб чиқариш бўйича «Евростал» қўшма корхонаси ишга туширилди. Яқин кунларда Собир Раҳимов туманида режадан ташқари туркиялик ишбилармонлар билан биргаликда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича яна битта қўшма корхона фойдаланишга топширилиши арафасида. Бу борада хорижий шерикнинг тўғридан-тўғри инвестициялари 28 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Корхона тўлиқ қувватда ишга тушгунга қадар 5 мингдан зиёд кишини иш билан таъминлашга эришилади. Кўриб турганимиздек, бу корхона истиқболини ҳам белгилаб олган, лекин амалдаги хорижий инвестициялар билан фаолият юритувчи корхоналар бундай имкониятлардан нимагадир мустасно бўлиб қолмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 2521 та хорижий инвестиция ҳисобидаги корхоналар рўйхатга олинган бўлса, шулардан фақат 67 фоизи фаолият юритмоқда. «2005-2007 йилларда Тошкент шаҳрида хорижий инвестицияларни жалб этиш» ҳудудий дастурининг бажарилиши бўйича жойларда олиб борилаётган ишлар ва мониторинг масалалари талабга жавоб бермайди. Туман ҳокимликлари ва тегишли тузилмалар бундай вазиятни барқарорлаштириш ўз масъулиятларида эканлигини мутасаддилар унутаётирлар чоғи. Йиғилишда Марказий банк Тошкент шаҳар бошқармаси (бошлиғи Шуҳрат Саъдиев) ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси (бошлиғи Одамбой Иброҳимов)га инвестиция дастурининг бажарилиши, шу жумладан сармоялар жалб этилишини ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини кредитлаш ҳажмларини кенгайтириш борасида тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Фаоллар йиғилишида шунингдек, коммунал соҳасидаги ислоҳотларнинг бориши ҳамда шаҳар хўжалигини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ҳисобот даврида 1991 йилгача қурилган 473 та кўп қаватли уй-жойларни тубдан таъмирлаш белгиланган бўлса, аслида бу режа 42 фоизга бажарилган. Бу борада бюджетдан кутилаётган маблағлар таъминланган, демак сабаб ҳомийлар ва аҳоли маблағларини шакллантиришга эришилмаганида бўлиб қолмоқда. Белгиланган ишларнинг муддатига қадар бажарилишини таъминлаш мақсадида бугунги кунда ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаши остида Тошкент шаҳри учун 1,3 миллиард сўм миқдорида бюджет ссудаси ажратилган, шундан 350 миллион сўм уй-жойларнинг том қисмини алмаштириш учун сарфланиши режалаштирилмоқда. Бу борада маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан 30 фоизли олдиндан тўлов асосида битум, рубероид, шифер сотиб олинган. Йиғилишда таъкидланишича, ушбу маблағлар ҳамда моддий ресурсларнинг мақсадли ишлатилиши бўйича назорат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари даражасида амалга оширилади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда туман ҳокимликлари, айрим мутасадди тузилмаларнинг уй-жойлар таъмирланишини вақтида бажариш, шунингдек, газ, сув ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш, коммунал хизматлар учун дебитор қарздорликни камайтириш бўйича масъулиятни ошириши зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда шунингдек, ижтимоий объектларнинг қурилиши суст даражада олиб борилаётгани кўрсатиб ўтилди. Хусусан, мактабларни капитал реконструкция қилиш, тубдан ва жорий таъмирлаш бўйича ишлар сифати талаб даражасида эмаслиги, қурилиш ташкилотларида ишларни ташкиллаштириш бўйича аниқ режа йўқлиги таъкидланди. Қурилиш ва инвестицион дастурлар департаменти, Халқ таълими бош бошқармасига туман ҳокимлари билан биргаликда пудратчи ташкилотларга нисбатан объектларнинг янги ўқув йилига вақтида ва сифатли топширилиши бўйича талабни кучайтиришлари лозимлигига урғу берилди.

Фаоллар йиғилишида сўзга чиққан Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев мамлакат раҳбарияти томонидан ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш борасидаги устувор йўналишларни татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган изчил ва аниқ мажмуавий чора-тадбирлар ҳақида гапирар экан, кейинги қисқа вақт ичида Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинган Фармон ва Қарорлар жамиятни янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, эркинлаштириш ва шу тариқа тадбиркорлик ривожи учун барқарор замин яратиш борасида энг таъсирчан чорадир, деб таъкидлаб ўтди ва бу борада барча бўғиндаги раҳбарларнинг биринчи галдаги вазифаси — қабул қилинган қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сезиларли натижаларга эришиш даражасида ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашлари даркорлигига алоҳида эътибор қаратди.

Йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар, кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва таклифларни инобатга олган ҳолда барча кўтарилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.**

## *Оламда нима гап?*

### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Италия парламенти мамлакат қўшинларининг Ироқда туриш муддатини 31 декабрга қадар узайтирди.

● Белоруссия Польша дипломатларидан бирини мамлакатдан чиқариб юборди. Бу воқеа Белоруссия ва қўшни Польша орасидаги зиддиятлар кучайиб бораётган бир вазиятда рўй берди.

● Гватемала маъмурлари мамлакатнинг собиқ президенти Альфонсо Портильони Мексикадан ортга қайтаришга уринишмоқда. Портильо 15,7 миллион долларни ўзлаштиришда айбланади. Прокуратура вакилларининг сўзларига қараганда, Портильони Гватемалага қайтариш тўғрисидаги сўровнома матни аввал мамлакат Олий суди томонидан маъқулланмоғи керак. Шундан сўнг сўровнома Мексика маъмурлари ихтиёрига жўнатилади.

● Туркияда қўпорувчилик ҳаракати содир этилди. Темир йўлга ўрнатилган портловчи қурилманинг ҳаракатга келтирилиши натижасида Элёзиг-Татвон йўналишида ҳаракатланаётган поезднинг 5 та вагони издан чиқиб кетди.

● Россия пойтахтидаги «Федерация» мажмуининг «А» минорасини хитойлик бунёдкорлар қурадиган бўлишди. Мазкур иншоотнинг 58 миллион долларга баҳоланаётган синчи қурилиши шу йил 1 ноябрдан бошланиб, икки йил давом этиши режалаштирилган. 87 қаватдан иборат, баландлиги 340 метрли минора нафақат Россияда, балки Европадаги энг баланд бино бўлади.

● Америкалик машҳур спортчи Лэнс Армстронг нуфузли «Тур де Франс» кўп кунлик велопойгасида кетма-кет еттинчи марта ғалаба қозонгач, катта спорт билан хайрлашмоқчи эканини эълон қилди.

● Кубада номаълум касаллик оқибатида 8 нафар бола ҳаётдан кўз юмди. Шифокорларнинг тахминига кўра ушбу касаллик «Деннис» бўрони оқибатида келиб чиққан сув таъминоти муаммолари билан боғлиқдир.

## ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш хусусида алоҳида тўхталар экан, эркин тадбиркорлик фаолияти кафолатларини таъминлаш, иқтисодиёт ва бизнесни барқарор ривожлантириш зарурлигига яна бир бор эътиборни қаратди.**

# ТАДБИРКОР МАНФААТИ — МУСТАҲКАМ ҲИМОЯДА

Президентимизнинг ўтган ойда эълон қилинган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги фармонлари ва қарорлари айни шу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқилган махсус режа асосида республикамизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлар иштирокида учрашув ва анжуманлар ташкил этилаётир.

Кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, айниқса, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмнинг амалда жорий этилаётгани мазкур соҳа вакилларида улкан қизиқиш уйғотяпти. Шу боис улар билан учрашувларда юқорида зикр этилган ҳужжатлар моҳиятини чуқур тушунтириш муҳим аҳамиятга эга.

Қорақалпоғистонлик тадбиркорлар иштирокида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда шулар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев Президентимиз ташаббуси билан тадбиркорликни янада ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда, жумладан, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилгани, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш фақат солиқ хизмати органларига юклатилишининг самарали томонлари таҳлил этилди.

Тадбиркорлар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизими такомиллаштирилиб, уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ жорий этилиши ва солиқ юкининг камайтирилиши тадбиркор фаолияти ривожида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши қайд этилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Транспорт*

## ЯНГИ ЛОЙИҲА АМАЛДА

**Истиқлол шарофати билан барча соҳалар қатори метрополитен фаолиятини янада яхшилаш, кишилар узоғини яқин қилиш мақсадида янги йўналишлар ташкил этиш бўйича ҳам мутахассислар томонидан жиддий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, мустақиллик йилларида метронинг Юнусобод йўналиши бунёд этилиб фойдаланишга топширилганлиги бу борада олиб борилаётган ишларнинг ниҳоятда долзарб эканлигидан далолат беради.**

Тошкент метрополитени ўз йўналишини Сергелигача узайтиришидан кўпчиликнинг хабари бор албатта. Ушбу янги йўналишнинг лойиҳаси "Тошкентметролойиҳа" институти мутахассислари томонидан тайёрланди. Лойиҳа бўйича янги бекатларни бунёд этиш учун хорижлик инвесторлар ҳам жалб этилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳар икка-ла йўналишда қатновчи поездлар йўлининг очиқ усулда қурилиши режалаштирилмоқда. Шу билан бирга йўловчилар узоғини яқин қилувчи йўналишларда янги вагонлар қатнайди.

**(Ўз мухбиримиз)**



## ЎЗБЕКИСТОН БЕЛЬГИЯНИНГ ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ АНЖУМАНИДА

**Бельгиянинг Гент шаҳрида анъанавий халқаро маданият фестивали ниҳоясига етди. Анжуманга ҳар йили Бельгия, Франция, Буюк Британия, Германия, Голландия ва Люксембургдан миллионлаб томошабинлар келади. Фестивалнинг қатор саҳналарида таниқли санъат усталари ва театр жамоалари ўз маҳоратларини намойиш қилади, маҳаллий ва хорижий ҳунармандлар эса ўзларининг амалий санъат намуналарини меҳмонлар эътиборига ҳавола этишади.**

Бу йилги кўргазмада илк бор Тошкент ва Бухоро ҳунармандлари ҳам иштирок этишди. Шаҳар аҳолиси ва унинг кўп сонли меҳмонлари бетакрор миллий ҳунармандчилигимиз маҳсулотлари — сопол буюмлар, шоҳи гиламлару, зардўзлик буюмлари, тери ва қоғоздан ишланган миниатюра асарлари, чинни, заргарлик буюмларини катта қизиқиш билан кўздан кечирдилар. Айниқса, тадбир иштирокчилари анъанавий ўзбек паловини татиб кўришгани улар учун кутилмаган совға бўлди.

Ўзбек халқ ҳунармандларининг анжумандаги иштироки Гент шаҳри маҳаллий матбуоти эътиборидан четда қолмади, албатта. Ўзбекистон бўлмаси Бельгия матбуотида кенг ёритилди.

***Жамшид МУТАЛОВ,***
**«Жаҳон» АА мухбири**
**Брюссель**

*Мулоҳаза, мунозара*

# КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

## ЧЎМИЛИШГА ТАЙЁРМИСИЗ, АЗИЗЛАР?

**Ҳозир ёзнинг айни жазирама палласи. Ана шундай кунларда ҳар бир инсон, айниқса, таътил пайтида мириқиб дам олаётган болажонларимиз сой бўйларида, анҳорларда чўмилишни хоҳлашади.**

Бу яхши албатта. Бироқ, ким қаерда чўмилишини ҳам аввалдан режалаштиргани маъқул экан. Йўқса...

Яқинда маҳалламизда содир бўлган ачинарли воқеа кишини хушёр бўлишга ундайди. Маҳалладошим Баҳодир уч-тўрт нафар дўстлари билан шанба кунларидан бирида мириқиб ҳордиқ чиқаргани Бўзсув канали бўйига чиқишади. Ҳақиқатан ҳам мазза қилиб дам олишади, дили-дилига яқин оғайнилар табиийки, «бешта-бешта» ҳам қилишади. Иттифоқо, чўмилишни хоҳлаб қолишади. Баҳодир норғул, бақувват, сузишни биладиган йигит эди. Шунга қарамасдан унинг сувда мазаси қочадими, чўка бошлайди. Дўстлари сармаст. Баҳодирни қандай қилиб қутқаришни ўйлаб турганларида, шу яқин-атрофда дам олаётган нотаниш йигитлардан икки нафари ўзини сувга отиб Баҳодирни бир амаллаб қирғоққа олиб чиқишади. У тамоман ҳушини йўқотган экан. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатилганидан сўнг анча вақтдан кейин ўзига келган Баҳодир хайриятки тирик қолди.

Албатта газетхонлар «Нима бўпти. Бунақа воқеалар энди содир бўлаётгани йўқ. Асосийси Баҳодир тирик қолибди-ку», дейишлари мумкин. Гап шундаки, агар ҳалиги нотаниш йигитлар ёрдам беришмаганида ҳозир Баҳодир орамизда бўлмас эди. Матбуотда, телевизорда, радиода эълон қилинаётган мақолалар, кўрсатувлар, эшиттиришларда фақат рухсат берилган сув ҳавзаларида чўмилиш лозимлиги айтилаяпти. Тунов куни газеталардан бирида кўзим тушиб қолди. Шу кунгача шаҳримиз фуқароларининг 40 нафардан ортиғи тез оқадиган анҳорларда чўмилиши оқибатида чўкиб кетишган. Бу рақам кўпми деган саволга албатта кўп деб жавоб берамиз. Ана шу 40 нафардан ортиқ ҳамшаҳарларимизнинг аксариятини келажагимиз ворислари — болажонлар ташкил этганлиги эса жуда ачинарли ҳол.

Хулоса ўрнида камина газетхонларга шуни айтишни лозим топдимки, шаҳримизнинг бир нечта спорт-соғломлаштириш мажмуаларида, боғларда сузиш ҳавзалари бунёд этилганлиги таҳсинга сазовор. Шундай экан, азиз ота-оналар фарзандларингизга фақат рухсат берилган жойдагина чўмилишни тайинланг. У ерда сузиш илмидан сабоқ берувчи мураббийлар, шифокорлар болажонларга сузиш сирларини пухта ўргатишади. Шунингдек, тоғ ён-бағирларида дам олишни хоҳлаган катта ёшдаги ҳамшаҳарларимизга ҳам иложи борича рухсат берилмаган жойда, бунинг устига ширакайф ҳолда чўмилманг, деймиз. Кўпчилик инсон сузишни билмаганидан кейин сувга чўкади-да, деб ўйлайди. Бу фикр унчалик ҳам тўғри эмас. Сабаби сузишни билмаган одам таваккал қилиб сувга тушмайди. Иккинчидан сув муздеккина бўлса сузаётган одамнинг оёқ-қўл томирлари тортишиб қолади. Гапирсак, гап кўп. Ҳеч кимнинг бошига маҳалладошим Баҳодирнинг куни тушмасин деймани.

**Афзал БЕРДИЕВ**

## ИЧКИЛИКНИНГ КАСОФАТИ

**Ароқни бежизга «Шайтоннинг суви» дейишмас экан. Нега деганда ана шу касофат ароқ ёш йигитчанинг қамалиб кетишига сабабчи бўлди-да.**

Келинг, азизлар воқеани бир бошдан сўзлаб бера қолай. Зора бу ҳикоя сабаб роҳат, фароғатни ароқни ичиб кайф қилишда, деб ўйлаган айрим ёшларимизга инсоф берса.

Асилбек оилада учинчи ўғил бўлса-да, ота-онасининг ишонган тоғи, суянган боғи эди. Ҳақиқатан ҳам ўғилларининг асили бўлган бу йигитдан ота-онасининг умиди катта эди. Нега деганда бу йигит одобли, камтарин, меҳнаткаш бўлиб қизиғи, бировнинг дилини ҳали оғритмагани боис ҳамма маҳалладошлар Асилбекнинг қамалиб қолганига аввал ишонишмади, кейин ҳайратланишди-ю, ароқ касофатга лаънат ўқишди.

Дўстлари билан чойхонада улфатчилик қилган Асилбек нима учундир шу куни ароқни бетўхтов ичди. Дўстларининг «бўлди қил, нима учун кўп ичяпсан?» дея берган саволларига «Кўп жиғимга тегавермаларинг. Ишим юришмай турибди. Бугун ичаман», деб жавоб берди. Тун ярмидан оққан. Хайр-маъзурдан сўнг Жўрадан бошқа ўртоқлари уйларига кетиб бўлишди. Жўра дадасининг эркатойи сифатида қийинчилик кўрмай ўсган, ёш бўлса-да шўхлиги билан маҳаллада донг таратган, ичишу чекишдан қайтмайдиган йигит эди.

— Асил, пулдан қийналдим, деяпсан, бир иш қилмаймизми? — Жўра оғайнисига синовчан тикилди.

— Нима қиламиз, айтавер, Жўра, — Асилнинг кутилмаганда берган жавоби Жўрани руҳлантириб юборди.

— Менда озроқ пул бор. Ҳозир яна озгина маишат қиламиз. У ёғини кейин айтаман.

Энди икковлон етаклашиб икки бекат наридаги кафега боришди, яна бир шишани бўшатишди. Жўранинг ҳам, Асилнинг ҳам кайфи баттар ошган, Жўравой ёнларидаги столда кўпчилик бўлиб ўтирган йигит-қизларга тегажоғлик қила бошлади. Ўртада жанжал кўтарилди, муштлашув бошланди. Асил Жўрани қутқараман деб жон-жаҳди билан муштлашувга қўшилди албатта. Кучли йигит эмасми, рақибларининг иккитасини ағанатди, бирининг иягига мушт туширди. Фақат, фақат мастлик оқибатида йигитлардан бирига қаттиқ тан жароҳати етказди. Ҳатто, жанжални тинчитиш мақсадида келган профилактика нозирини ҳам дўппослашга ҳаракат қилди. Ачинарлиси, оғир тан жароҳати олган йигит касалхонада икки кун беҳуш ётиб жон таслим қилди. Албатта Асил қилган ишидан пушаймон. Бироқ энди кеч бўлганди.

Шу боис ҳам такрор айтамизки, ичкилик касофат. Ароққа ружу қўйган кишининг ҳаёти издан чиқади, барбод бўлади. Дарвоқе, ота-онаси Асилни уйлантирамиз деб турганди. Энди Асил қамоқдан қачон чиқади-ю, ота-онанинг тўй кўриш ҳақидаги орзуси қачон амалга ошади?

**Зариф АҲМЕДОВ**

# ЯНГИ КЎРГАЗМА

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида графикачи рассом Акрам Баҳромовнинг шахсий кўргазмаси очилди.**

А.Баҳромов Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтини тамомлагач, республикамизнинг турли нашриётларида бадиий муҳаррир ва бош рассом бўлиб меҳнат қилди.

Санъатшуносларнинг фикрича, А.Баҳромов ижоди кўп қиррали ва ранг-барангдир. У ижод жараёнида акварель, тушь, литография, қалам, компьютер графикасидан фойдаланади.

График рассом яратган плакатларнинг ўзига хослиги ва бетакрорлигида таниқли плакатчи Ф.Кагаров ижодининг таъсири сезилиб туради. А.Баҳромовнинг ишлари ихчам ва мажозийлиги билан ажралиб туради. Унинг дастхоти графикадаги услубининг ўзига хослиги — ранглар уйғунлиги ва ёрқинлиги, ички рамашизмдан иборат.

Рассомнинг китоб графикасида эса асарлар мазмуни ва муаллиф ғоясини чуқур ҳис қилиши сезилиб туради. Кўргазмада намойиш этилган кўпгина ишлар компьютер графикаси ёрдамида яратилган.

А.Баҳромовнинг асарлари томошабинларни ҳаёт мазмуни ҳақида мулоҳаза қилишга ундайди. Унинг «Бунёдкорлик», «Виртуал техника асри», «Энг катта ғалаба», «Қум соат» ва кўплаб ишлари санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотади.

**ЎзА**

*Қарор ва ижро*

# «50 КУНЛИК ДАСТУР»

## мақсад-муддаоларни амалга оширишда муҳим омил

**Юнусобод тумани уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасида бўлганимизда, уюшма раҳбари билан суҳбатлашар эканмиз хонага мурожаат этиб кирувчиларнинг кети узилмади. Аксарият бирор ширкатнинг ёки маҳалланинг раиси, пудратчи ташкилотларнинг вакиллари турли масалаларда фикр билдиришди, маслаҳатлар олишди, шу билан биргаликда айни кунларда бажарилаётган ишлар, тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар хусусида ҳам мулоҳазалар бўлди. Бунинг устига «Ёз ёпинчиғингни ташлама, қишда ўзинг биласан» деганларидек, синов даврига тайёргарлик ишлари ҳам режа асосида давом этмоқда. Хуллас, сирасини айтганда уюшма раҳбари Тўлқин ШУКУРОВнинг ишлари кўплигига, ташриф буюрувчилару телефон қўнғироғининг бир неча бор жиринглашига қарамай у билан суҳбатлашишга, айни кунларда амалга оширилаётган ишлар, Президентимизнинг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятларини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш борасидаги саволларимизга жавоб олишга муваффақ бўлдик.**

**— Тўлқин ака, аввало тумандаги уй-жой мулкдорлари ширкатининг Қарордан кейинги ҳолати ҳақида батафсил маълумот берсангиз.**

— 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра туманимизда 47 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият кўрсатаётган бўлса, бугунги кунга келиб қарор ижросини таъминлаш мақсадида олиб борилган саъй-ҳаракатлар боис яна 62 та янги уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил этилиб (уйлар сони қисқартирилиши асосида) уларнинг сони 109 тага етди. Ширкатларнинг энг кўпида ҳозирда 8 та кўп қаватли уй, яъни 500-600 хонадон мавжуд.

Ҳақиқатан ҳам тан олиб айтиш лозимки, Президентимиз Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида таъкидлаб айтганларидек, шаҳримизда, хусусан туманимизда ҳам кўп қаватли уйларни бошқариш масаласи оғир муаммо бўлиб қолган эди. Негаки, ана шу биноларни таъмирлаши ва зарур хизматлар кўрсатиши лозим бўлган ширкатлар қарор чиққунга қадар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. На ҳокимият, на маҳалла фаоллари билан ҳамкорлик, на яшовчилар билан ҳамжиҳатлик бўлмаса ишда силжиш бўлмаслиги ўз-ўзидан аён.

**— Ширкатлардаги уйлар сонининг қисқаришидан қандай мақсад кўзда тутилган ва бу туманда қандай самара бермоқда?**

— Аввало шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Президентимизнинг Қарори билан тузилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари зиммасига ана шу кўп қаватли уйларда йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш баробарида, уй-жойлардан фойдаланиш, уларнинг ҳовлилари, атрофидаги ҳудудларнинг техник ва санитария ҳолатини назорат қилиш, уларни кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ва бир маромдаги фаолиятни таъминлашда давлат идоралари билан ҳамкорликда ишлаш вазифалари юклатилган.

Айтиш жоизки, ҳақиқатан ҳам тажриба шуни кўрсатдики, уй-жой мулкдорлари ширкатларини тузишдаги юзакичилик, уларни соҳани тушунмайдиган тасодифий кишиларнинг бошқариши, шунингдек айрим ширкатлар таркибида ҳаттоки 50-70 тадан кўп қаватли биноларнинг мавжудлиги муаммоларни янада кўпайтирарди. Шу боис ҳам юқоридаги Қарор, ўз вақтида чиқарилиб, унга кўра ширкатдаги уйлар сони ихчамлашди. Биз ҳам, албатта ана шунга амал қилдик. Лекин мақсадимиз фақатгина ширкатларни кўпайтириб, уйлар сонини камайтириш ёки янги раҳбар сайлаш бўлмади, балки асосий эътибор ана шу уйлардаги одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, коммунал хизмат даражасини ошириш, аҳолининг оғирини енгил қилишга ҳамда муҳими, яшовчиларда «Ширкат — бу биз» шиори асосида мулкдорлик ҳиссини шакллантиришга қаратилмоқда.

Ҳар бир янги ташкил этилган ширкат учун 3 та номзоддан энг муносиби раҳбарликни ўз қўлига олди. Албатта, танлов жараёнида ўша ҳудудда яшаши, коммунал соҳадан бохабарлиги, маълумоти, тадбиркорлиги эътиборга олинди. Ширкат раҳбарларидан 49таси шу кунга қадар «Ўзкоммунўқувташкилотчи» ўқув марказида 36 соатлик ўқув дастури бўйича малака ошириб, сертификат олди. Ҳозирда эса яна 30 нафари ўқияпти.

Юқорида таъкидланганидек, ихчамлашувдан кутилган натижа битта: кўп қаватли уйларга кўпроқ эътибор, яшовчиларнинг шароитини яхшилаш, намунали хизматни ташкил этиш ва бу борада режа асосидаги ишлар давом этмоқда.

**— Шу кунга қадар амалга оширилган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Қарор ижросини таъминлаш учун ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, жорий йилда тумандаги мавжуд 1276 та кўп қаватли уйнинг ҳолати ўрганилди, қилиниши керак бўлган ишлар белгиланди. Бунда албатта, таъкидлаш лозимки, ҳокимият, уюшма, маҳаллалар, ширкатлар, пудрат ташкилотлари, хизмат кўрсатувчилар, ҳомийларнинг ўзаро ҳамкорлиги юксак самара бермоқда. Янги ташкил этилган уй-жой ширкатлари 50 та мебель жиҳозлари, 10 та пайвандлаш ускунаси, бир нечта компьютер техникаси билан таъминланди, барчасига телефон ўрнатилган. Уй-жойлар ҳолатига келадиган бўлсак, бунинг учун тадбирлар режаси тайёрланган бўлиб, ана шу асосда белгиланган ҳудудларда иш олиб борилмоқда. Шу кунга қадар 803 та йўлак таъмирланди, 691 та темир эшик қўйилди, 151 та электр шитлар таъмирдан чиқарилди. Ноқонуний қурилмаларга келадиган бўлсак, 947 та талабга жавоб бермайдиган ўров ва иморатлар олиб ташланди, 541 та гараж тартибга келтирилди, 579 таси бўялди, 202 та ташқи ёритиш ускуналари ҳам таъмирланди ва яшовчиларга қулайлик яратилди.

Ташкил этилган ишчи гуруҳи ҳар ҳафтада қилинган ишлар юзасидан йиғилиш ўтказиб, вазифаларни ҳам белгилаб олади. Яна шу нарсага қатъий амал қилиш таъкидланмоқдаки, ширкат бошқаруви ҳар 6 ойда аҳолига ҳисобот бериб бориши шарт. Бу уларнинг аҳоли билан нафақат ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлайди, балки яшовчилар қилинаётган ишлардан хабардор этилади, муаммолари ҳамда фикр-мулоҳазалари ўрганилади. Қилинаётган саъй-ҳаракатлар самараси шунда кўринмоқдаки, яшовчиларнинг муносабатлари ижобий томонга ўзгармоқда, пул тушуми ҳам ортиб бормоқда.

**— Шу ўринда бир савол туғилади. Кўрсатилаётган ҳомийлик ёрдамлари аҳолидаги боқимандаликка янаям салбий таъсир этмасмикан? Ахир халқимизда азалдан «Ўз уйим — ўлан тўшагим» деган доно нақл бор, «Ҳашар — элга ярашар» деган ажойиб ибораларимиз мавжуд.**

— Ана шуни инобатга олган ҳолда йўлаклари таъмирланиб, темир эшиклар ўрнатилган уйлар эндиликда ҳақиқий эгаларига топширилмоқда ва бундан буёнги жавобгарлик уй бошқарувчиси, йўлак бошлиғи зиммасига юклатилмоқда. Чунки ўз вазифасини сидқидилдан бажарган уй бошқарувчиси 100 фоиз, йўлак бошлиғи эса 50 фоиз фойдаланиш харажатлари тўловидан озод этилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ўз уйларини ўзлари асраётган, ибратли ишларни амалга ошираётган кўп қаватли хонадон эгалари сафи ҳам ортиб бормоқда. 18-мавзедаги «Парвоз-коммунал» ширкатига қарашли 33-уй, «Осиё-коммунал» ширкатининг 20-уйида яшовчилар йўлакларни ўз кучлари билан таъмирдан чиқардилар. Шу билан бирга 1 июлдан бошлаб «50 кунлик дастур» режаси асосида ишлаяпмиз, унга кўра тумандаги ҳар бир уйда нима ишлар қилиниши белгилаб олинган. Шунингдек, ҳар бир ширкат ўз кучи билан тасарруфидаги 1 та уйда ҳашар йўли билан йўлакларни таъмирлаш, ободонлаштириш ишларини олиб боришади. Таъмирланган йўлакларнинг ҳар бирига қайси ширкатга қарашли эканлиги, уй бошқарувчининг исми-шарифи, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг телефон рақамлари кўрсатилган тахтачалар осиб қўйилмоқда.

**— Қандай муаммолар мавжуд?**

— Энг катта ва долзарб муаммомиз — уйларнинг томларини таъмирлаш масаласи. Албатта, бунинг учун анчагина маблағ керак бўлади, бугунги қишга тайёргарлик қизғин давом этаётган кунларда асосий эътиборни ана шунга қаратиш ҳаракатидамиз.

**— Уюшманинг режалари қандай?**

— Режалар, албатта мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб белгиланади. Ҳозирда уюшма қошида ширкат ҳисобчиларини ўқитишни ташкил этганмиз, юридик бўлимимиз хизмат кўрсатаяпти. Шундай режамиз борки, ширкат раҳбарларига қулайлик яратиш, тежамкорлик билан ишлашни ташкил этиш ниятида ҳар бир мавзеда кечаю кундуз диспетчерлар ишлайдиған хизматлар турини ташкил этмоқчимиз. Ушбу бошқарув компаниялари иш бошласа, ширкатларнинг харажатлари ҳам бирмунча камайиб, фақат шартнома асосида иш олиб боради. «Энг яхши ширкат», «Энг тоза йўлак», «Энг обод ҳовли» танловларини ўтказиш асосида кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг ўз яшаётган ҳудудларига муносабатларини ўзгартириш ниятидамиз. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Агарки ҳар қайси инсон, бу уй меники, бу шаҳар меники, бу юрт меники, у қандай обод бўлса — бу менинг бахтим ва бойлигим», деган фикр билан яшаса, биз ўз мақсад-муддаоларимизга шунчалик тезроқ етамиз.

**Суҳбатдош**
**Шарифа ИЛЁСОВА**



# УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ:
## истиқбол ва муаммолар

*Тошкентим — боғу бўстоним*

# ЯНАДА ОБОД БЎЛМОҚДА

**Азим пойтахтимиз Тошкентнинг ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлиши, ундан ҳар бир инсон баҳра олиши бугунги кунда кўзланган асосий мақсадларимиз сирасига киради. Шу боис ҳам Президентимиз Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида мана шу ҳақда алоҳида, батафсил тўхталиб шундай дея таъкидладилар: «Тошкентнинг тобора гўзал ва обод бўлиб бораётгани нафақат пойтахт аҳлига, ишончим комилки, бутун халқимизга қувонч ва ифтихор бағишлайди».**

**Чиндан ҳам шаҳарни кезсангиз, амалга оширилаётган бунёдкорлигу ободонликдан, яшил ҳудудлар чиройидан баҳра оласиз. Бу борада, албатта ҳар ким ўз ҳиссасини қўшмоқда. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бош агрономи Лазокат ИСЛОМОВА бу ҳақда қуйидагиларга алоҳида тўхталди.**

— Пойтахтимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда албатта, жамоамиз аҳлига Президентимизнинг доимий кўрсатма ва тавсиялари дастуруламалдир. Чиндан ҳам Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида амалга оширилаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад аҳолига фаровон турмуш тарзи билан бирга ҳар томонлама қулай яшаш шароитларини таъминлаш эканлиги Юртбошимиз томонидан алоҳида таъкидланди. Ланшафт архитектурасидан оқилона фойдаланиш, яшил майдонлар ва фавворараларни кўпайтириш орқали шаҳарда салқин микроиқлим вужудга келишини таъминлашга эътибор қаратар эканмиз, бу билан, шубҳасиз халқимиз фаровонлигига, эл-юрт ободлигига ҳисса қўшамиз, дея уқтирилди.

Албатта, сўлим боғлар, шинам хиёбонлар, соя-салқин жойлар, дилларга завқ бағишловчи анвойи гуллар пойтахтимизда қанчалик кўп бўлса, бу ҳамшаҳарларимиз кайфиятига ҳам кўтаринкилик бағишлайди, дам олиб ҳордиқ чиқаришларига, тоза ҳаводан нафас олишларига замин яратади.

Ана шуни назарда тутиб шаҳримизда жорий йилда катта ҳажмдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди ҳамда бошланган эзгу ишлар давом этмоқда. Бундай юмушларда эса бошқармамиз ходимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларининг жадаллашуви зиммамиздаги масъулиятни оширди. Пойтахтимизда муҳташам Сенат биноси атрофидаги ҳудудлар, Ўзбекистон шоҳкўчасидан Навоий кўчасигача бўлган масофа кўкаламзорлаштирилиб игна баргли дарахтлар ва ранг-баранг гуллар экилди. Айниқса, ҳозирда шаҳар ҳавосини тозалаш учун игна баргли дарахтлар экишга эътибор кучайди. Чунки ушбу ниҳоллар ҳаводаги транспорт воситаларидан чиқаётган заҳарли газларни ютиб, ўзидан тоза ҳаво чиқаради. Ана шундай дарахтларнинг 7 хили ўтқазилди. Уларнинг айрим турлари ўз хўжаликларимизда парваришланган бўлса, баъзи турларини хориждан келтирдик.

Эски шаҳарни ободонлаштириш борасида ҳам бажарадиган ишларимиз кўлами кенг. А.Қодирий кўчасидан Сағбон кўчасигача таъмирлаш ишлари олиб борилияпти. А.Қодирий номли маданият ва истироҳат боғи қайта қурилмоқда. У ерда қад ростлаётган «Болалар ижодиёти маркази» атрофларини обод этиш, кўкаламзор ва гулзор қилиш кўзда тутилган. Юқоридаги кўчалар четларига, истироҳат боғи ва марказ ён атрофларига кўп йиллик дарахтлар, ранг-баранг гуллар экилади, фавворалар атрофида дам олиш учун қулайликлар яратилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Миллий боғида ҳам ишлар авжи паллада. Бу ердаги кўл қирғоқлари ободонлаштирилиб, дарахт ва буталарга шакл берилмоқда, кўприклар таъмирланяпти. Шунингдек, пойтахтимизнинг барча ҳудудларидаги ободонлаштириш ишлари Марказий вокзални ҳам четлаб ўтгани йўқ. Шаҳримиз дарвозаси саналган ушбу маскан ўзгача чирой очмоқда. Бу ерда асфальтлар ўрнига эндиликда яшил ҳудудлар, гулзорлар кўзга ташланади.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтган йилда гуллар экиш, гулхоналар ташкил этиш бўйича танлов ўтказган бўлсак, жорий йил Мустақиллик байрами арафасида дарахтларга шакл бериш, безаш бўйича танловимизга якун ясаймиз. Ғолибларнинг ишлари эса оммалаштирилади.

Она юртимизга, олтин тупроғимизга экилган ҳар бир ниҳол бу мамлакат кўрки, аҳоли фаровонлиги ва қулайлигидир. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз «Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак. Майли кўчатимиз бугун эмас, эртага эмас, балки йигирма, эллик-олтмиш йилда катта бир дарахтга айлансин, лекин такрор айтаман, унинг ниҳолини бугундан кечикмасдан экишимиз керак» дея таъкидлаганлар. Ана шунга амал қилган ҳолда пойтахтимизга бу йил 140 минг туп манзарали, 130 минг туп мевали, 80 минг туп игна баргли, 80 минг туп терак ниҳоллари ва 3 миллиондан ортиқроқ бир ва кўп йиллик гул кўчатлари экилиб, парвариш қилинмоқда. Лекин шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, уларни парваришлашда ҳамшаҳарларимиз эътиборлироқ бўлишса, фарзандларимизни ҳам ёшликдан ана шунга кўниктирсак, улар ҳам экилган ниҳолларни синдиришга эмас, асрашга ҳисса қўшишса шаҳримиз чиройи бунданда ортаверади. Ана шу чиройдан, гўзал манзаралардан, шинамлик ва ободликдан дилларимизда фахр-ифтихор туйғуси жўш уради. Зеро ободлик кўнгилдан бошланади.

Айни кунларда Мустақиллигимизнинг 14 йиллик қутлуғ байрамига ҳозирлик ишлари бошлаб юборилди. Байрам ўтадиган саҳна мажмуаси, «Шаҳидлар хотираси» майдони, шаҳримизнинг шоҳкўча ва хиёбонларини шодиёнага тайёрлашда ишчи-хизматчиларимизнинг ҳиссалари алоҳида бўлади. Шу боис ҳам айни кунларда зиммамизда масъулиятни ҳис эттан ҳолда фахримиз саналмиш пойтахтни янада яшнатишга, обод этишга, гулу чаманзорга айлантиришга ҳаракат қилаяпмиз. Сиз ҳам пойтахтни кезинг, гўзаллигидан баҳра олинг, ана шунда дилингизда ободликка ҳисса қўшиш истаги уйғонса ажабмас.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Ширкат — ибрат*

# ҚАТЪИЙ РЕЖАЛАР АСОСИДА

**Ҳар бир танловда ғолиб бўлишнинг ёки ғолиблар қаторидан ўрин олишнинг ўзи бўлмайди. Танлов шартларини адо этиш учун анчагина саъй-ҳаракат, маҳорат ва тадбиркорлик билан иш юритиш тақозо этилади. Айниқса танлов ҳайъати аъзолари талабчан бўлса, талаблар даражасида тер тўкишга тўғри келади.**







Жорий йилда Урбан институти (Тошкент) томонидан ташкил этилган "2005 йилда Тошкент шаҳри, Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларида фаолият кўрсатаётган уй-жой мулкдорлари ширкатларининг энг яхши тажрибаси" танловида пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги "Биродарлик-уйим" уй-жой мулкдорлари ширкати ҳам фахрли 4-ўрин соҳиби бўлиб, 2,5 минг АҚШ долларилик грантни қўлга киритди. Албатта, бундай нуфузли танловда ғолиблар қаторидан ўрин олишнинг ўзи бўлмайди. Шу боис ҳам ширкат фаолияти билан танишиб, ғолиблик сирлари нимада эканлигини билишга қизиқдик.

Ушбу ширкат ёнма-ён жойлашган иккита 9 қаватли уй мулкдорларини бирлаштирган бўлиб, 2001 йил августидан фаолиятни бошлаган.

— Янги ширкатлар ташкил этилаётган бир пайтда биз "Бобур-қалдирғоч" уй-жой мулкдорлари тасарруфида эдик. Лекин орадан 3-4 ой ўтса ҳамки, уйларимизга эътиборини сезмадик,– дейди ширкат раҳбари Шавкат Кайбуллаев. — Ана шунда икки уйдаги мулкдорлар йиғилиб, 3 марта мажлис ўтказилди, тушунтириш ишлари олиб борилди, барча имкониятлар кўриб чиқилди. Натижада ўз ширкатимизни тузишга аҳд қилдик. Мен ўша пайтда уй бошқарувчиси эдим. Ширкат раҳбарлигига сайлашди, масъулиятли бўлсада асосий иш жойимдан ажралмаган ҳолда бу вазифага астойдил киришдим. Чунки ўз уйимиз, яшаш жойимиз ҳақида шу ерда турадиганлар қайғуриши лозимлигини дилдан ҳис этдик. — Тўғри, яшовчилар ҳам бирдек эмас, кимгадир бу ёқади, кимгадир йўқ. Лекин кўпчилик ҳамиша ғолиб. Ширкатни 800 минг сўм қарз билан қабул қилиб олдик. Шу боис ҳам асосий ишни тушунтиришдан, тарғибот ишларидан бошладик.

Ҳа, август ойи айни қиш тайёргарлиги қизғин борадиган палла. Қийинчиликлар бўлди, аммо ҳамжиҳатлик, аҳиллик барибир устун келди. Ертўлалар жорий таъмирланди, томларнинг сув тўпланиб оқмай қолган жойлари тўғриланди, 6-7 йиллаб қарзини тўламай юрган мулкдорлар ҳам иш суръатини кўришгач, қулайликлардан баҳраманд бўлишгач анча фаоллашишди. Шунинг учун бўлса керак, 6 ой ичида юқоридаги қарз қопланди. Бир йил ичида эса ширкат оёққа турди, аҳоли ишончини қозона олди. 59-уйнинг томи жорий таъмирланди. Ҳар бир иш режа асосида, фойдаланиш харажатлари учун йиғилган тўловлар оқилона, тежамкорлик билан ишлатиш эвазига адо этилди. Масалан, 2003 йил бошида уйларнинг ертўласига 3 фазали электр ўлчагичлар ўрнатилиши анчагина маблағни тежашга имкон яратди. Шу йили 1 миллион сўмга яқин маблағ сарфланиб уйларнинг йўлаклари туб таъмирдан чиқарилди. Ҳар йилги қишки мавсум тайёргарлиги ўз йўлига, шу билан биргаликда 59-уйнинг томи туб таъмирдан чиқарилди. Бу борада шуни айтиш мумкинки, аҳолининг фаоллиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жуда кўпчилик қишда яна азият чекмасликлари учун тўловларни олдиндан бажариб, таъмирни сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлади.

2004 йилда 57-уй давлат режаси асосида капитал таъмирдан чиқарилди, иссиқ ва совуқ сув ўлчагичлари ўрнатилди. Қилинаётган ишлар самарасини аҳоли яққол кўрмоқда, қулайликлардан биргаликда фойдаланмоқда. Ширкатда 4 йилдан буён пайвандчи-чилангар Константин Залицаев барчага қадрдон бўлиб кетган, фаррош Ҳилола Ашурова эса нафақат ҳовлилар, балки ҳафтада бир марта йўлаклар озодалигига ҳам эътибор қаратади. Аҳоли ўз кучи билан лифтларни таъмирлашга, авайлаб-асрашга аҳамият берганлиги боис ҳам ўтган 2 йил ичида у бирор марта ҳам панд бергани йўқ.

Ширкатда қатъий режа ва тартиб- интизом муваффақиятларга гаров бўлмоқда. Чунончи, ширкат 2008 йилгача ўз режасига эга ва яшовчилар буни маъқуллашмоқда. Булар йўлакларга темир эшиклар ўрнатиш, болалар майдончаси бунёд этиш, ертўлада яшовчилар учун тренажер зали ташкил этиш, 59-уйни таъмирдан чиқариш, эшикларга кодли қулфлар ўрнатиш ва энг муҳими ўз офисига эга бўлиш. Шу кунгача ширкат идораси Шавкат аканинг хонадонида жойлашган. Эндиликда эса улар беркитиб ташланган чиқинди ташлаш жойини қайта таъмирлаб ва ишлашга мослаб офисга айлантириш ниятида.

Яна бир нарсани ҳам айтиб ўтиш жоизки, ютиб олинган грантни ўз-ўзидан ишлатиб бўлмайди. Танлов шартига кўра ширкат бунга ўз ҳиссасини қўшиши керак. Масалан, ўша 500 минг сўмнинг ярми ҳомийлар кўмаги ва ярми аҳолининг ихтиёрий тўпланган маблағи бўлиши керак. Бунинг учун яшовчиларга режалар сўровномаси тарқатилиб, ҳозирги кунгача керакли миқдордаги пул йиғилишига эришилмоқда.Ажабмас, йил охиригача ширкат ўз офисига эга бўлса.

— Тўғри, барчани бирдек рози қилиб бўлмайди, — дейди ширкат раҳбари. — Лекин қилинаётган ишларнинг ҳаммаси яшовчилар учун қулайлик эканлигини, фарзандларимизга фойдали эканлигини тушунтириб борамиз. Қарздорларни эса судга бермаймиз, уларни уялтириш ёки тушунтириш билан инсофга чақирамиз. Ахир бир уйда яшагач биз бир-биримизга қадрдонмизда.

Ана шунақа. Лекин биргина мақолада ширкатнинг фақат катта ишларига тўхталдик холос. Қолганларини эса мулкдорларнинг ўзлари кўриб, билиб турушибди ҳамда фаол иштирок этишмоқда. Шундай ҳам бўлиши керак-да.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: ширкат раҳбари Шавкат Кайбуллаев уй фаоллари билан бамаслаҳат ишлайди; пайвандчи-чилангар Константин Залицаевнинг ишлари қизиган палла; яшаётган уйинг обод бўлса кўнглинг ҳам шод бўлади.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Анжуманлар*

# СОҒЛОМ МУҲИТ — СОҒЛОМ ҲАЁТ ГАРОВИ

**Мамлакатимизда «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Экосан” Халқаро ташкилотида ҳам мазкур дастурда белгиланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология нормаларини татбиқ этиш, чиқиндиларни ташиш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг гигиена соҳасидаги билимлари ва маданиятини ошириш, инсон саломатлиги муҳофазасига йўналтирилган тадбирларнинг амалиёти муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш” режасининг кон-металлургия тармоғи корхоналарида бажарилишини давом эттириш, вилоятларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш бўйича “Соғлом турмуш тарзи ва турмуш маданияти”, “Валеологик тарбиянинг илмий-амалий асослари” мавзуларида конференциялар ташкил этиш, республика, вилоятлар миқёсида халқ хўжалигининг турли соҳаларида чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш ва уларни йўқ қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш, бунинг асосида тўпланиб қолаётган чиқиндиларнинг инсон саломатлигига таъсирини бартараф этиш, экологик нобоп бўлган минтақаларга “Экосан” саломатлик поездларини ташкил қилиш масалалари муҳокама қилинди.

“Сиҳат-саломатлик йили” давлат дастурида бир қатор тадбирларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш “Экосан” ташкилоти зиммасига юклатилган. Чунончи, ҳозиргача давлат дастурига асосан ишлаб чиқилган “Соғлом муҳит— соғлом ҳаёт гарови” мақсадли дастури доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг санитария-гигиеник маданиятини юксалтириш, экологик меъёрларни жорий этиш, ичимлик суви ва канализация тармоқлари билан таъминлашни яхшилашга қаратилган “Вилоятимизни, шаҳримизни, туманимизни юксак санитария маданияти ўлкасига айлантирамиз” республика кўрик-танлови ўтказилди.

Бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири— бу чиқиндилар муаммосидир. “Сиҳат-саломатлик йили” давлат дастурининг 78-бандида “Саноат чиқиндилари ва маиший чиқиндилар ҳамда аҳоли саломатлиги” дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиланган эди. “Экосан” Халқаро ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, “Маҳалла” жамғармаси ва Ўзтелерадиокомпания иштирокида халқ хўжалигининг турли соҳаларида чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш ва уларни йўқ қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш, бунинг асосида тўпланиб қолаётган чиқиндиларни инсон саломатлигига етказаётган салбий таъсирини камайтиришга қаратилган мазкур дастурни ишлаб чиқди.

“Экосан” Халқаро ташкилоти “Сиҳат-саломатлик йили”нинг биринчи кунларидан экологик жиҳатдан носоз бўлган минтақаларга жами 150 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами ортилган 6 та “Экосан” саломатлик поездларини жўнатди. Навбатдаги “Экосан” саломатлик поезди Сурхондарё вилоятига юборилади.

Йиғилишда дастур доирасида вилоятларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш бўйича “Соғлом турмуш тарзи ва турмуш маданияти”, “Валеологик тарбиянинг илмий-амалий асослари” мавзуларида конференциялар ва учрашувлар ташкил этилганлиги ҳам қайд этилди.

**Дилором ИКРОМОВА**

*Ҳукм ўқилди*

# ҒАЗАБНИ ЖИЛОВЛАЙ ОЛМАСЛИКНИНГ ОХИРИ ВОЙ

**Инсонга инъом этилган умр абадий эмас. Бирор жараённинг бошланиши қанчалик табиий бўлса, ҳаёт гулшанининг кун келиб шомга юз тутиши ҳам шунчалик одатий ҳодиса. Бу — исбот талаб этмайдиган ҳақиқат, албатта. Аммо, ана шу саноқли йилларни мазмунли, бошқаларга ўрнак бўларли, кўрса кўз қувнайдиган тарзда ўтказиш кишидан алоҳида фазилатлар талаб этишини ҳамма ҳам ҳис этавермаса керак.**

“Қаҳрамони”миз Дилмурод Содиқовни бу гаплардан бутунлай бехабар дея олмаймиз. Негаки, у маълум ҳаёт йўлини босиб ўтган, оқ-қоранинг фарқига етадиган ёшда. Қолаверса, кичик бир оила бошлиғи бўлиши баробарида, бўлғуси ота ҳам. Афсуски, Дилмурод тақдирнинг бу тортиқларидан шодмон бўладиган дақиқаларни оиласи бағрида эмас, панжара ортида, озодликдан бебаҳра ҳолда ўтказмоқда. Бирники мингга, мингники туманга деганларидек, унинг тақдирига бефарқ бўла олмайдиган яқинларидан кимдир болам, кимдир акам, яна кимдир кўз очиб кўрганим дея бағри-дили кабоб бўлмоқда. Яқин жигарларининг қадди-басти ёйдай эгилган...

2004 йилнинг 6 декабри кеч соат 22.00лар атрофида Бектемир туманидаги “Қўйлиқ” улгуржи бозорида вақтинчалик юмуш билан шуғулланувчи Д.Содиқов овқатланиш учун бозор ҳудудидаги ошхонага киради. Дилмуроднинг кайфияти ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки эди. Кеча Нигора ийманибгина анор егиси келаётганлигини айтганди. Хотинининг юзидаги “доғ”лар Дилмуродга ота бўлиш бахтидан унсиз сўйларди. Ўша дақиқалардан бери у ўзини ҳавода муаллақ учиб юргандай ҳис этаётганди. Ер-у кўкка сиғмаётгандай ҳам бўлади. “Бундай қувончли хабарни нишонлаш керак, — деди у хаёлларига эрк бериб. — Одатда бундай пайтларда базми жамшид берилади. Майли, ёр-у дўстларни йиғиш, тўкин дастурхон ёзиш қочмас. Ҳозир ўзимга ўзим зиёфат берганим маъқул”. Шу аснода 200 грамм ароқ, у-бу егулик буюрилди... Аммо, таниқли эстрада хонандаси бекорга: “Бахт келганда шукр қил-у, дард келганда сабр қил”, дея куйламаган экан. Наздимизда, Дилмурод ана шу ҳақиқатни унутиб қўйганди.

Ошхонадан кайфи тарақ бўлиб чиққан Дилмурод ўзини аранг тутиб турарди. Ваҳоланки, шифокорлар унга спиртли ичимлик ичишни тақиқлаб қўйган, бунга Дилмуроднинг бошида жарроҳлик операцияси ўтказилгани сабаб эди. Шу пайт кутилмаганда унинг ёнида, бозорда ширин чой сотиб, тирикчилик қиладиган Маҳфузанинг қораси кўринди.

— Эй, тўхта! — Дилмурод унинг олдига гандираклаганича етиб келди. — Менга бир пиёла ширин чой тайёрлаб бер! Томоғим қақраб кетаяпти...

Маҳфуза мижозининг талабини қондирди. Бироқ Дилмурод чойдан бир пиёла хўпларкан афтини бужмайтирди.

— Нима бало, чойингда на таъм бор... На маза... Тузукроқ ширин чой тайёрлаб берсанг ўласанми... Ҳе, сени....

Нотаниш қиз мастликдан чайқалиб турган Дилмуродга ажабсинди. “Майли, шу билан овозинг ўчар”, деган маънода чойига кўпроқ шакар солиб узатаётган эди ҳамки, қаердандир шериги Холида Шокирова пайдо бўлди.

— Сен менинг синглимга нега дўқ-пўписа қилаяпсан?! — деди у Дилмуродга важоҳат билан. — Чойингни ич-да, йўлингдан қолма..

— Мен сизга бирон нима дедимми? Боринг, сиз ҳам йўлингиздан қолманг, аралашманг бизнинг ишга...

Пайтдан фойдаланиб қолган ширин чой сотувчи қиз пиёладаги чойни тўкиб ташладию кўздан ғойиб бўлади.

Холида Шокирова эса ҳали-бери дийдиёсини бас қилай демасди. Ўртадаги вазият эса тобора кескинлашиб борарди. Ниҳоят, ғазаб ўтида лов-лов ёнаётган Х.Шокирова Дилмуродни тепиб юборади. Д.Содиқов аёлнинг бундай кутилмаган зарбидан баттар қутуриб кетади. Унинг юзига кетма-кет тарзда 3-4 маротаба тепиб юборади. Албатта, аёл ва эркак киши ўртасидаги жисмоний имконият осмон билан ерча фарқ қилади. Шу маънода Холида юзи, қорни ва оёқларига тегаётган зарблар оқибатида воқеа жойининг ўзидаёқ вафот этади.

Дилмурод ҳушига келганида кўп истеъмол қилинган ароқ, ғазабини жиловлай олмаслик оқибатида одам ўлдириш жиноятини содир этганлигини англаб етганди. Аммо энди кеч эди. Бўлар иш бўлган, бўёғи синганди. Ортиқча тавба-тазарру, истиғфор айтиш ёнғин содир бўлгандан сўнг сув сепиш билан баробар эди.

Саросимага тушган қотил энди ўзининг манфур жинояти изларини йўқ қилишга чора излай бошлади. Нима қилмоқ керак? Шу пайт унинг нигоҳи яқин-атрофдан ўтиб кетаётган Тўлқин Умаров ва Карен Сотниковларга тушади.

— Ҳой, бу ёққа келларинг...

Тўлқин ва Карен аввалига ҳайиқиб туришди.

— Нимага аммамнинг бузоғидай қаққайиб турибсанлар... Мана буни бозор панжарасидан ўтказиб олишга ёрдамлашсаларинг, ҳақларингни бераман. Агар бош тортсаларинг сенларни ҳам жиноятга шерик дейман.. Тем более, юзларингни таниб қолдим.

— Эй, ака, нималар деяпсиз, ўлик қиздан қўрқаман мен, — деди соддагина Тўлқин Умаров.

— Мен ҳам, — деди Сотников.

Д.Содиқов уларга у деди, бу деди, ҳар қалай уларни йўриғига юргазди. Шу тариқа жасад целофанга жойланиб, панжарадан олиб ўтилди, кўчанинг бир четига ётқизилиб, ёнига сумкачаси ҳам қўйилди. Қотиллик изларини йўқотиш мақсадида марҳуманинг ерга тўкилган қонлари ювилди. Ўрнига пиёз пўчоқлари тўкилди.

Марҳума Х.Шокированинг ўлимини тасдиқловчи №1795-сонли суд-тиббий экспертизаси хулосасидан сатрлар:

“Х.Шокированинг ўлими ёпиқ бош жароҳати, бош мия пардалари остига ва мияга қон қуйилиши, чап томондан 6,7,8 ва 9 қовурғаларининг синиши, қалқонсимон тоғайнинг ўнг шохчаси синиши оқибатида келиб чиққан...” Бу ҳали ҳаммаси эмас, аниқланган хулосаларда Х.Шокированинг 8-8,5 ойлик ҳомиласи борлиги қайд этилди. Шу маънода айбланувчи Д.Содиқовнинг дастлабки тергов пайтида Х.Шокировани ўлдириш чоғида унинг ҳомиладор эканлигини билмаганлиги ҳақидаги кўрсатмалари ҳам ўз исботини топмади.

Д.Содиқов ва унинг найрангига учган жиноятчилар иши юзасидан олиб борилган тергов ҳаракатлари якунланиб, мазкур жиноий иш очиқ суд мажлисида кўриб чиқилди. Судлов ҳайъати уларга нисбатан олиб борилган суд иши ҳукмини ўқиб эшиттирди. Унга кўра ЖКнинг 97- моддаси 2 қисми “б”, “ж”, “л” бандлари билан айбдор деб топилган Д. Содиқов ўн етти йилга, К.Сотников 241-модданинг 2-қисми билан уч йилга, Т.Умаровга 72-модда қўлланилиб, 3 йил муддатдаги жазони очиқда ўташи белгиланди. Ҳукм хулосасида Д.Содиқовнинг жазо муддатини умумий тартибли колонияда ўташлиги таъкидланди.

Жиноятчилар жазоларини олишади. Одил судлов уларга ўз хулосасини берди. Бироқ масаланинг таажжубланарли томони шундаки, бир бегуноҳ инсоннинг умри фожиали якун топса-ю, бозор ҳудудидаги бирон кимса бу мудҳиш қотилликдан бехабар қолса...Хаёлга халқ латифаларининг бирида айтилган “менга нима”, “сенга нима” дейилган ҳаётий ҳақиқат келади. Қолаверса, аёл азал-азалдан гулга, ифорли насимларга қиёсланган. Шу маънода ҳомиладор аёлнинг маст-аласт, эс-ҳушидан бегона инсон билан зиддиятга бориши фожеага олиб келмадимикан деган савол туғилади.

**Шоира СУЛАЙМОНОВА,**
**жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси**
**Хидирали ПАНЖИЕВ,**
**журналист**

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб доно бўлур...**

● Ота-онага нисбатан ҳурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз, муқаддас туйғудир.

● Ота ва она! Бу муқаддас номлар олдида барча мадҳиялар ҳеч нарса эмас, барча баландпарвоз мақтовлар ўғиллик муҳаббти ва миннатдорчилиги олдида пуч ва арзимасдир.

● Ота-онага муҳаббат — барча яхши фазилатларнинг асоси.

● Сиз ота-онангиз билан қандай муомалада бўлсангиз болаларингиз ҳам сиз билан шундай муомала қилишини ёдда тутинг.

“Ат-тарбия” китобида шундай дейилади: “Эй зукко болам! Агар ота-онанг сени тарбия қилиб вояга етказишда чеккан машаққатларини ўйласанг, уларнинг улуғ фазилатларини билиб оласан. Онанг сенга ҳомила бўлиб, туғиб, сийнасидан сут бериб, ғамхўрлик қилди. Отанг эса сизлардан меҳрини дариғ тутмади. Ота ҳам, она ҳам сен азоблансанг азобланади, азият чексанг азият чекди. Хуллас сенга келган барча нарсаларга қалқон бўлди. Ҳатто емай, ичмай бўлса ҳам сенга мол тўплайди, ўқитсам, илмли қилсам дейди. Мана шуларнинг барчаси учун сен уларни яхши кўришинг, ҳурмат қилишинг, уларга итоат этишинг, доимо уларга юмшоқ муомалада бўлишинг, овозингни кўтармай гапиришинг лозим. Оияти каримда: “Ота-онангга уф дема, уларнинг сўзини қайтарма, уларга гўзал сўзла” дейилади. Ҳадисда эса: “Жаннат оналарнинг оёғи остидадир”, “Ота-оналарингизга яхшиликлар қилинг, болаларингиздан қайтади”, дейилади. Ота-онанинг розилиги умрни зиёда қилур. Ким ота-онага қулоқ солмаса, боласи ҳам унга қулоқсиз бўлади. Сен ҳам, молинг ҳам отангники ҳисобланади — шуни ҳисобга олиб қўй.

Байт:

**Бошни фидо айла**
**ато қошиға,**
**Жисмни қил сатқа**
**оно бошиға.**

● Дононинг тили қалбида, тентакнинг қалби эса тилида.

● Сўз ҳам мисоли япроққа ўхшайди: дарахтнинг барги кўп бўлса меваси оз.

● Ўткир тил — қобилият, узун тил — жазо.

● Ақлли одамларни мазах қилиш телбаларга хос.

● Аҳмоқларнинг устунлиги — ақлли одамлар устидан кулиш.

*Спорт*

## БОШ МУРАББИЙ ЎЗГАРАДИ

**Мамлакат XIV миллий чемпионатининг биринчи давраси "Пахтакор" жамоаси футболчилари учун омад келтирмади. Амалдаги чемпион биринчи даврада "Насаф" ва "Нефтчи" жамоаларига сафарда енгилиб ҳозирча иккинчи ўрин билан кифояланмоқда.**

Бундан ташқари Осиё чемпионлар лигаси мусобақаларидаги муваффақиятсизлик, Умид Исоқов, Александр Гейнрих ва Леонид Кошелев сингари моҳир футболчиларнинг "Пахтакор"ни тарк этиши қайсидир маънода муаммолар борлигини англатади.

Шу туфайлими ёки бошқа сабаб биланми, "Пахтакор" жамоасининг бош мураббийси Тачмурод Агамуродов жамоани тарк этди. Иқтидорли мураббий Равшан Ҳайдаров ҳозирча бошқариб турган "Пахтакор"га ким бош мураббий бўлади? Буни вақт кўрсатади.

## ЁШЛАРИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИ

**Мустақиллик шарофати туфайли юртимизда бошқа спорт турлари қатори шахмат ривожига ҳам катта эътибор берилмоқда. Айниқса, болалар ва ўсмирлар ўртасида шахматнинг тобора оммалашиб бораётганлиги қувонарли ҳол.**

Куни кеча Франциянинг Белфорт шаҳрида 10-16 ёшли болалар ўртасида шахмат бўйича ташкил этилган жаҳон чемпионати баҳслари мутахассисларда катта таассурот қолдирди. Шуниси қувонарлики, юзга яқин давлатдан минг нафардан ортиқ ёш шахматчилар иштирок этаётган ушбу нуфузли мусобақа Ўзбекистон терма жамоасига омад келтирмоқда. Ўн ёшдаги болалар ўртасида олти ўйиндан олти очко жамғара олган ва ҳали бирор марта мағлуб бўлмаган Жаҳонгир Воҳидов ҳамда 16 ёшли Юлдуз Ҳамроқуловаларнинг ўйинлари мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Ҳозирча еттита тур учрашувлари ортда қолди. Жаҳонгир Воҳидов ва Юлдуз Ҳамроқуловалар беллашувларни давом эттирмоқдалар.

**(Ўз мухбиримиз)**

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги, 27-кечки таълим мактаби томонидан 1992 йилда Исмоилова Феруза Асроровна номига берилган А 195290 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Учтепа туманидаги 287-ўрта мактаб томонидан 2005 йилда Умарова Мамлакат Махмуджоновна номига берилган И № 1551800 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг раиси

**Рихситилла Жўраевич АКРОМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.





*Маънавият гулшани*

# МЕҲР ҚУЁШИ ЧАРАҚЛАБ ТУРСИН

**Миллат кўзгуси, юрт тараққиёти пойдевори, келажак ворислари бўлган ёшларнинг жисмонан соғлом ва бақувват, ақли ўткир, толиби илм бўлиб вояга етишлари давлатимизда энг устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Бу йўлда қатор самарали ва салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказилиб келаётган «Маънавиятимиз гулшани» мавзуидаги адабий-бадиий кечалардан ҳам айнан юқоридаги эзгу мақсадлар, юрт тарихи, таниқли сиймолар, тафаккур гулшанининг аҳли донишлари билан ёшларни таништириш, юртга меҳру-муҳаббат уйғотиш кўзланган.**

Куни кеча сўлим ва шинам Ғафур Ғулом боғида ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси — «Маънавият гулшани» даврасининг «Санъатимиз фахри» туркумида «Эл ардоғидаги тарихчи олим ва санъаткор» мавзуида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, тарих фанлари доктори, профессор ҳамда мунис хонанда Ҳожиакбар Ҳамидов билан илмий ва ижодий учрашув бўлиб ўтди. Сўзимиз аввалида таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламизки, ижодий учрашув ўтказиладиган саҳна майдони нуроний отахон-онахонлар ва ёшлар билан тўлиб кетдики, беихтиёр халқимиз бундай ижодий учрашувларга, энг муҳими эса жонли ижродаги куй-қўшиқларга нақадар ташна эканлигига яна бир карра гувоҳ бўлдик.

Давра бошловчиси, бадиий сўз устаси Убайдулла Абдуллаевнинг дилтортар сўзию тарихчи олим ва санъаткор Ҳожиакбар Ҳамидовнинг «Дил куйларим сенга халқим, сенга Ватан» мавзуидаги қўшиқлари ижроси барчага бирдек маъқул бўлаётгани узоқ, давомли қарсаклардан сезилиб турди.

Шунингдек, тадбирда қўшиқчилик тарихи ҳақида ва ижодий кеча қаҳрамони тўғрисида тарих фанлари доктори, профессор Қўлдош Эргашев, Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев, эл севган қизиқчи Шукурулло Исроилов, санъаткор Олимжон Орифжонов, созандалар Рустам Убайдуллаев, Искандар Мирсоатов, шогирдлар Абдуманнон Ҳамидов, Комилжон Норматовларнинг дил сўзларию ажойиб тароналари барча йиғилганларни мамнун этди.

— Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида босиб ўтган йўлимиз, асрларга татигулик тарихимиз, буюк аждодларимиз ҳақида сабоқ берар эканман мустақил юртимизга муносиб фарзанд тарбиялашга озми-кўпми ҳисса қўшаётганимдан, юрагимдан чиқадиган эзгу ниятларни қўшиққа солар эканман санъатсевар халқимизнинг кўнглига яхшилик, меҳр улашаётганимдан ўзимда бир шукроналик туяман. Фарзандларим умрим давомчилари. Уларнинг элимизга, юртимизга керакли инсонлар қаторидан ўрин олишлари эзгу ниятим. Ҳаётдаги энг катта мақсадим элу-юрт манфаати, ривожланиши йўлида хизмат қилиш, устоз сифатида ёш авлодга мана шу руҳда таълим-тарбия беришдир, — дейди Ҳожиакбар Ҳамидов.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон қалбида эзгулик, меҳр-муҳаббат қуёши чарақлаб турар экан, унинг тафтидан баҳра олаётган кўнгилларда ҳам яхшилик ниҳоли гуркираб, атрофга ўзининг муаттар бўйини таратаверади. Биз ҳам ана шу хислат ҳеч биримизни тарк этмасин деб қоламиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Эл ардоғидаги тарихчи олим ва санъаткор» мавзуида бўлиб ўтган ижодий учрашувдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*ЛАТИФАЛАР*

## ТЕЛБАЛИК БЎЛАРДИ

*— Шу галстукни 75 кронга олдим, дейсанми? Хомкалла, ахир бу пулга яхшигина иккита туфли сотиб олган бўлардинг-ку!*

*— Тўғри. Аммо туфлини бўйнингга осиб юриш ғирт телбалик бўларди-да!*

## ВАСИЯТНОМА

*Беморнинг хотини даволовчи врачга деди:*

*— Ҳа, албатта. Мен эримга ҳаяжонланадиган бирон гап ҳам айтмайман. Фақат ундан васиятнома ёздириб оламан, холос...*

## НИМА ҲАМ ДЕРДИМ?..

*— Кеча ишдан эртароқ келгандим, хотиним қандайдир бир инглиз билан дон олишиб ўтирибди экан.*

*— Сен унга бирон нима дедингми?*

*— Ахир мен инглизчани билмасам, нима ҳам дердим?!*

## ЧИПТАСИЗ ЙЎЛОВЧИ

*Купега пистолет ушлаган гангстер отилиб кирди-да, ойна остида ухлаб ётган йўловчини уйғотди.*

*— Қани тур! Ҳамённи чиқар!*

*Йўловчи кўзини очди.*

*— Жуда қўрқитиб юбордингиз-ку!*

*Менда бир тийин ҳам йўқ.*

*— Нега қўрқдинг бўлмаса?*

*— Мен сизни контролёр деб ўйлабман, билетсиз кетаётгандим.*

## ЭЛЛИК БИРИНЧИ ЛАҚМА

*Нью-Йорк кўчаларида бир болакай қийқириб юрибди:*

*— Ажойиб сенсация! Эллик киши алданган! Сенсация...*

*Йўловчи ўтиб бораётган боладан газета олиб бирпасда кўз югуртиб чиққач, ажабланиб сотувчи болага қичқирди:*

*— Мен газетада ҳеч қандай сенсация борлигини кўрмаяпман-ку?*

*Болакай ҳамон баланд овозда қийқириб кенг кўча бўйлаб чопиб борарди:*

*Мунажжим башорати*

# ҲАР ҚАНДАЙ ТАШАББУС — ЯХШИЛИККА

**2 АВГУСТ, СЕШАНБА**

**Бугунги кун олижаноб, ёрқин ишлар, дўстлик риштаварини боғлаш учун, бошлиқлар билан мулоқотда бўлиш, қимматбаҳо нарсалар ва кийим-кечаклар хариди учун жуда омадли ҳисобланади.**

Шу билан бирга, Ой сайёраси йўналишсиз ҳолатда бўладиган соат 19.01 дан 23.00 гача кўпчилик одамлар характерида рашкчи Отелло ёки бор-йўғини тикиб юборадиган қиморбоз қиёфаси пайдо бўлади.

Бугун сафарлар, амалий мулоқотлар, савдо-сотиқ ва пул-молия операциялари муваффақиятли бўлади. Имкон қадар кўпроқ очиқ жойларда бўлиш, табиат билан ҳамоҳангликка интилиш, табиий куч-қудратни ҳис этиш мақсадга мувофиқ. Ер ишлари билан шуғулланиш, дала ҳовлиларда меҳнат қилиш, экин-тикинлар, уй ҳайвонларини парваришлаш билан машғул бўлиш фойдали бўлади. Таъмирлаш ёки қурилиш ишларини бошлаб юбориш, янги квартирага кўчиб ўтиш ҳам омадли бўлиши кутилади.

Бугун само ёзувларини ўқий билиш керак: агар осмонда бир хил шаклдаги булутни уч бора кўрсангиз, буни яқин орада ҳаётингизда рўй берадиган ўзгаришлар белгиси сифатида қабул қилинг. Ёмғирда қолиш ва камалакни кўриш - бойлик ва омад аломати. Тунда самога тикилиб туриб саволлар берсангиз, учиб ўтган юлдузлар уларга жавоб бўлади.

Бу кеча кўриладиган тушлар башоратли ҳисобланади ва яна тушларни «буюртма қилиш» мумкин.

Бугун юрак-қон томир тизими, шунингдек, кўзлар хасталикларга мойил бўлишини ёдингизда тутинг. Кўзни қамаштирувчи ёруғлик манбаларига қараб бўлмайди.

Кийимлардан ҳаворанг ва олтинранглилари бугунги кун руҳига кўпроқ мос бўлади. Қора ва жигарранг тусли либосларни четроққа суриб қўйганингиз маъқул.

**БУГУН:**

—ҳар қандай бўлса ҳам янги ишни бошлаш;

—қимматли қоғозлар ва ҳужжатлар билан ишлаш, тўлов қоғозлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

—банклар ва суғурта компаниялари ходимлари билан амалий алоқа боғлаш;

—ўз таъсир кучингиздан фойдаланиш;

—транспорт воситаларига алоҳида эътибор бериш,

—хорижий шериклар ва дўстлар билан алоқаларни йўлга қўйиш;

—ваннахонасини ва сантехникани тартибга келтириш, суғориш тизимини такомиллаштириш тавсия этилади.

Ўзингизни ёмон ҳис этганингизни сезсангиз, хавотирга тушиб қўрқишдан, катта жисмоний куч талаб қиладиган иш билан шуғулланиш, ғайрат-ташаббус кўрсатишдан эҳтиёт бўлинг.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-709.

1 2 3 4 6